

## ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ (НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ)

### **Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тұғрисида ШАРТНОМАСИ**

4 -сон

20~~22~~йил “12” 07

Кейинги үринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Күп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бүйича инжиниринг компаниясы” ДУК Навоий вилоят филиали номидан Низом асосида иш күрүвчи директор А.Бўриев бир томондан ва кейинги үринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ГОР АРХ ПРОЕКТ” МЧЖ номидан Низом асосида иш күрүвчи раҳбар И.Қулиева иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бүйича шартнома туздилар:

#### **Шартнома предмети**

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Навоий шахар И.Каримов ва Лев Толстой кўчаларида жойлашган кўп қаватли уйларни ободонлаштириш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши**, (электрон ва қофоз кўринишида тақдим этиши шарт), топография ишлари, геология ишлари, АПЗ, экологик лойиҳа (проект ЗВОС), экокспертиза, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назорати, ижобий экспертиза хulosаларини олишни амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур лойиҳалаштиришга топширикни (задание на разработку) тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Курилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишида ҳамда тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялари ийғилишларида иштирок этади.

#### **II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**2022 йил “7” сентябрдаги 143227-сон баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда, шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган бажарилган ишлар калькуляциясига мувофиқ **30 600 000 (Уттиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.**

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари**

##### **Бажарувчи:**

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, холат тўғрисида уч кунлик муддат ичida Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан махфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслиқ;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

#### **Буюртмачи:**

10. ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

#### **IV. Ишларни бажариш муддати**

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **иловада кўрсатилган ишларни бажариш графигига асосан** 10 ни ташкил этади.

#### **V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади, бу 9 180 000 (**Туккиз миллион бир юз саксон минг**) сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ хажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тұлайды;

- Үзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятигининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Үзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага ва тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорида пеня тұлайды, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тұлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равиша бош тортгандылыги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сүмманинг 5 фоизи миқдорида жарима тұлайды.

23. Бажарувчи ишларини бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тұлайды, бироқ бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тұлайды, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тұлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## **VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, етказилган заарларни қоплашда шунингдек пайдо буладиган бошқа низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **IX. Алоҳида шартлар**

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

31. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуидагиларни кафолатлади:

- қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир килиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

32. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг юридик кучга киради.

33. Шартнома амал қилиш мuddати 2022 йил 31 декабрга қадар.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **икки нусхада** тузилади.

## X. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

### Буюртмачи:

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва  
жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик  
таъминоти объектларини қуриш бўйича  
инжиниринг компанияси” ДУК

*А.Гуриев*

Банк: Номиджон ҲХҚМ  
Х/Р  
МФО 00014 ИНН 302910413




*Гуриев А.Н.*

### Бажарувчи:

ООО «ГОР АРХ ПРОЕКТ»

Адрес: г. Бухара улица С.Айни  
тел: 91-446-00-45  
р/с 20208000900808948001  
ИНН: 305109602 МФО: 00440  
в ПСБ банке г. Бухары  
Код ОКОНХ – 41100

Директор: Кулназаров И



## "ТАСДИКЛАЙМАН"

## Навоий виявял хокими үрнөсары

Б.Бобомуродов

2022 й.

Халқ депутатлари Навоий вилоятин кенгашининг 2022 йил 29 июлдаги VI-35-99-5-0-К/22-сонли карорига аосан “THOMPSON” нодавлат таълим миассаси профиладиган кун контракти тай-жойнири мукаммал ва жорий таъмирлаш  
хамда ободонлаштириш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки  
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

## МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ

## Навоні вчитель молода богословські школи

**Навонії певного логотипу, що підтверджує  
підсвітку**

Документ  
2022-04

卷之三

“КЕЛДІСІДІ”  
Назарет аудиторияны Уәкілдік коммуналық  
жыншат көрсеткіштің бапшармасы  
баштегі  
Н. Ахметзиниров  
2022 ж.

“КЕДИШИДІС”  
Навоні шаһар Уй-жай коммуналык мемлекеттік  
бюджеттік орталығы  
Ф.Халыков  
2022 ж.